

**Судланувчига нисбатан оғир жазо тайинланганлиги сабабли суд қарорлари ўзгартирилди.**

Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти суди апелляция инстанциясининг 2009 йил 10 сентябрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган, шу суднинг 2009 йил 14 августдаги ҳукмига асосан А. Жиноят кодексининг 25, 97-моддаси 2-қисмининг «ж», «л» бандлари билан 15 йил 6 ойга озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Суд ҳукмига кўра, А. 2009 йил 19 май куни соат 21 ларда ўзининг уйи олдида опаси Э. билан никоҳсиз яшаб келган М. билан жанжаллашиб, жамоат тартибини бузиб, безорилик қилиб, М.ни унинг укалари М., М. ва С.ларнинг кўз ўнгида ўта шафқатсизлик билан қасддан ўлдириш мақсадида, уйдан олиб чиққан ошхона пичоғи билан ўнг кўкрак қафасига бир маротаба урган. Бироқ ака-ука М.лар уни ажратиб олганликлари сабабли, А. ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, жиноятни охирига етказа олмаган.

Суд иш ҳолатларини тўғри аниқлаб, А. М.ни ўта шафқатсизлик билан қасддан ўлдиришга суиқасд қилган деб тўғри хулосага келган бўлса-да, унинг ушбу ҳаракатини безорилик оқибатида содир этилган, деб хатога йўл қўйган.

Олий суд Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги **«Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»**ги қарорининг 16-бандида безорилик оқибатида, яъни жамиятга ва умумэътироф этилган ахлоқ қоидаларига рўй-рост ҳурматсизлик замирида содир этилган (масалан, ҳеч бир сабабсиз ёки арзимаган сабаб туфайли) қасддан одам ўлдириш Жиноят кодексининг 97-моддаси иккинчи қисми «л» банди билан квалификация қилиниши лозимлиги, бунда айбдорнинг феъл-атворида жамоат тартибига

ошкора бўйсунмаслик, атрофдагиларга нисбатан ўзини қарши қўйиш, беписандлик намойиш этиш истаги мавжуд бўлиши лозимлиги кўрсатилган.

Иш бўйича Олий суд Пленуми қарорининг тушунтиришларига риоя қилинмаган.

Судланувчи А. дастлабки тергов ва судда 2009 йил 19 май куни М. уйига келганида, М.га унинг уйига келмаслигини айтганлиги, М. уни ҳақорат қилиб кўчага чақирганлиги, бироздан сўнг М.ни укалари М., М. ва С.лар уни ҳақорат қилиб, уриш учун келаётганларини эшитиб, уларни кўрқитиш учун ошхонадан пичоқ олиб кўчага чиққанлиги, М. укалари билан уни ҳақорат қилиб урганларида, ўзини йўқотиб, М.нинг ўнг томон кўкрак қисмига пичоқ урганлиги, бироқ пичоқни ўлдириш эмас, балки кўрқитиш мақсадида олиб чиққанлиги ҳақида кўрсатма берган.

Жабрланувчи М. судда, А. илгари ҳам уни пичоқламоқчи бўлганлиги, савдо дўконида А. ножўя сўзлар билан уни ҳақорат қилганлиги сабабли у билан гаплашиш мақсадида бораётганида укалари ҳам А.нинг қўлидаги пичоқни олиш учун жанжаллашиб турганини кўрганлиги, А.нинг қўлидаги пичоқни тортиб олмоқчи бўлганида, А. иккинчи қўлидаги пичоқ билан унинг ўнг томон кўкрагига урганлиги, укалари А.ни уриш учун бормаганликлари, балки унинг қўлидаги пичоқни олмоқчи бўлишгани ҳақида кўрсатма берган.

Гувоҳ Э. судда, М. турмуш ўртоғи эканлиги, М. уни ва қизини ҳамда онасини доимий қийнаб келганлиги сабабли укаси А., уларни ажратиб, М. билан жанжаллашиб юрганлиги, М. бир неча марта укаси А.ни ўлдиришини айтиб келганлиги, 2009 йил 19 май куни уйда бўлган вақтида ташқарида шовқин бўлаётганини эшитиб кўчага чиққанлиги, уйи олдида М. ва унинг укалари укаси А. билан жанжаллашаётганлигини кўриб, уларнинг олдида борганлиги, М.нинг қўлида пичоқ кўрганлиги ҳақида кўрсатма берган.

Суд процесс иштирокчиларининг ушбу кўрсатмаларига, А. поччаси М. опаси Э. билан доимий равишда жанжаллашиб юрганлиги туфайли унга жаҳл устида пичоқ урганлиги ҳолатига ҳуқуқий баҳо бермаган.

Жиноят ишида А. М.ни безорилик оқибатида қасддан ўлдиришга суиқасд қилганлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд эмас.

Бундай ҳолатда А. М.ни безорилик оқибатида қасддан ўлдиришга суиқасд қилган деб бўлмайди.

Жиноят кодексининг 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши лозимлиги белгиланган.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли **«Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»**ги қарорининг 3-бандида судларга жазо адолатли бўлиши–ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Иш ҳолатидан кўринишича, А. билан М.нинг ўртасидаги жанжалга М. А.нинг уйида опаси Э. билан никоҳсиз яшаб келиб, ўрталарида 2 нафар фарзанди бўлса-да, фарзандларини тан олмасдан, ҳеч жойда ишламасдан, доимий равишда спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда қўшнилариининг тинчлигини бузиб, Э., унинг онаси Қ. ҳамда фарзандларини ножўя сўзлар билан ҳақоратлаб келганлиги сабаб бўлган.

Бироқ суд жазо тайинлашда қайд этилган ҳолатларни, шунингдек, А. муқаддам судланмаганлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланганлигини,

оиласида ягона боқувчи ҳисобланишини, айбига иқрор ва пушаймон эканлигини эътиборга олмаган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2010 йил 17 июндаги ажрими билан А.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилиб, А.нинг айбидан Жиноят кодексининг 25,97-моддаси 2-қисмининг «л» банди чиқарилиб, айбловнинг шу қисми тугатилди, А.га Жиноят кодексининг 25, 97-моддаси 2-қисмининг «ж» банди билан, Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллаган ҳолда, 11 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

***Назорат иши ЖСХ-74-10***